ТАЪТИЛДА ИНГЛИЗЧА ЎРГАНИШМОҚДА

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз туманининг тоғли Мироқи қишлоғидаги "Лочин" дам олиш масканига 9 вилоятдан 247 нафар ўқувчи ва 103 нафар инглиз тили ўқитувчиси тўпланди. Улар ёшларнинг ёзги таътили давомида АҚШнинг Тинчлик корпуси дирекцияси ва республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган хайрли тадбирда иштирок этадилар. Дам олиб, тил ўрганадилар. Машғулотлар 12 кунга мўлжалланган. Америкалик малакали мутахассислар машғулот ўтказмоқдалар.

Юнус УЗОҚОВ.

ОСМОНСОЙ БАЗАЛЬТИ

ЖИЗЗАХ. Маъданли хом ашёлар геология илмий тадқиқот институти хазинатопарлари Нурота тоғлари ёнбағирларидаги Осмонсой қишлоғи яқинида базальт конини кашф этдилар. Радиотехника ва чиннисозликда қўл келадиган бундай хом ашё очиқ усулда қазиб олинади. Яқин вақтлар ичида Осмонсойда Ўзбекистон-Украина базальт қўшма корхонаси бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ГАЗЛИ – НУКУС ГАЗ ЙЎЛИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Шу кунларда газ таъминотини яхшилайдиган янги қувур йўли тезкорлик билан олиб борилмоқда. "Ўзтрансгаз" бирлашмасидан маълум қилишларича, бу иншоот узунлиги 212 км. У Беруний, Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа туманларида янги корхоналарни ишга туширишга, одамларни иш ва аҳолини зангори ёқилғи билан таъминлашда қулайдир. Бундай иншоот қурилишини Қорақалпоғистондаги бир неча кўчма механизациялашган колонналар олиб бормоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

БРАНДТ ЎЗБЕК РАҚСИНИ ЎЙНАЙДИ

ТОШКЕНТ. Швейцарияда истиқомат қилувчи Катя Хилле Брандт ўзбек рақсларини ўрганиб, ниятига эришди. У Тошкентдаги хореография рақс билим юртини аъло баҳоларда тамомлаб ўзбек рақслари устаси дипломини олиб, ватанига қайтди. К. Брандтнинг мақсади — хорижда ўзбек миллий санъати асарлари асосида концертлар кўрсатиш ва ёшларни шарқона ижрочилик услубига ўргатиш. Билим даргоҳида ҳозир Кореядан келган икки қиз ҳам таҳсил олмоқда.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЭНГ ТАДБИРКОР АЁЛ

ФАРҒОНА. Хотин-қизлар ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят бўйича "Маҳалланинг энг тадбиркор аёли" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 500 нафардан кўпроқ хотин-қиз қатнашди. Бешариқ туманидаги Файзиобод қишлоғининг "Чевар" кўп тармоқли корхонаси директори Мавлудахон Ҳошимова танлов ғолиби, деб эълон қилинди. Ўзига хос баҳснинг қолган совриндорларига ҳам қимматли совға ва пул мукофотлари берилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 7 август, пайшанба № 92 (22.176).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1993 йил 7 август — Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди. Россия Федерацияси пойтахтидаги учрашувда қатнашган давлат бошлиқлари иқтисодий масалаларга бағишлаб учрашув ўтказиш зуруриги ҳақида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома, МДҲ чегараларининг дахлсизлиги ҳақида баёнотнома қабул қилдилар.*

«Андижонёғмой» ҳиссадорлик корхонасида соя донидан пишлоқ, бринза тайёрлана бошланди.

***

Самарқанд вилоятининг Жомбой бекатига илк бор электр поезди келди.

***

Республика байналмилал маданият марказида Анатолий Лигай асарларининг кўргазмаси очилди.

***

Учқўрғон-Наманган сув узатиш тармоғининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

***

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантларига 160 нафар талаба сазовор бўлди.

***

Бугун пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Китоб байрами» ва ярмаркаси бошланади.

***

Хоразм вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

***

Наманган вилоят ҳокимлигида ҳам «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисидаги қонун» лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

ХОЖИ АБДУЛАЗИЗ ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАЙДИ

САМАРҚАНД. Ўзбекистон халқ артисти Хожи Абдулазиз Абдурасулов ўзининг катта ашулалари билан тўй-томошаларга файз киритган ва мамлакатимизда юзлаб ҳофизу бастакорларни вояга етказган буюк санъаткор. «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси шу йил ноябрь ойида атоқли ҳофиз номида хонандалар кўрик-танловини ўтказиш ҳозирлигини бошлади. Мамлакат кўригида барча театрлар ва санъат жамоаларининг 18-35 ёшли якка ижрочилари қатнашади.

Пўлат АБДУЛЛАЕВ.

ДАРОМАД ОШМОҚДА

ТЎРТКЎЛ. *«Шўрахон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги «Нафосат» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар чўпон-чўлиқлар қатори совуқ шароитда меҳнат қиладиган турли касб эгаларига ҳам асқотмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли коржома, кўрпа-тўшак омборларда туриб қолмайди. Бозор ўрганилиб, маҳсулот турлари тўлдирилиб, янгиланиб борилади. Ана шундай тадбиркорлик туфайли корхона икки-уч миллион сўмлик даромад билан йилни якунлаб келмоқда.*

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

БУХОРО. Инсон манфаатлари йилида вилоят бўйича соғлиқни сақлаш ишларига эътибор кучайди. Жондордаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ишга туширилган қишлоқ тиббиёт маскани ҳам ана шундай хайрли ишлардан нишона. Бу ерда 1600 кишига хизмат кўрсатиш мумкин. Шифо масканини 52-кўчма механизациялашган жамлама бунёдкорлари қуриб беришди.

Даврон БАҲРОНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Америкада ёзнинг иссиқ кунларида шаҳардаги ҳарорат бошқа жойларга нисбатан бироз юқори бўлади. АҚШ Энергетика вазирлигининг таъкидлашича, баъзан одамлар табиатнинг мутаносиблигини унутиб қўймоқда. Шаҳар кўчалари, томларни бўғиқ рангларга бўяб, баттар ҳавони дим бўлишига сабаб бўлишяпти. Давлатга иссиқ билан курашиш эса бугунга келиб жуда қиммат-га тушмоқда. Шаҳар йўллари, томларни ёрқин рангларга бўяш учун миллиардлаб доллар сарфлашга тўғри келяпти.

***

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳирада Фаластин озодлик ташкилотининг илтимосига кўра Араб давлатлари лигасининг фавқулодда сессияси бўлиб ўтиши кутилмоқда. Сессияда Яқин Шарқдаги сиёсий танг вазиятни ҳал этиш кўзда тутилади.

***

Ўтган ҳафтада Ғарбий Қуддусда қўпорувчилик ҳаракатлари туфайли 15 киши ҳалок бўлди, 170 нафар киши эса жароҳатланди.

***

Иордания қироли Ҳусайн расмий ташриф билан Исроилга келади. Ташрифдан асосий мақсад, боши берк кўчага кириб қолган Фаластин-Исроил муносабатини изга солишдир. Исроилнинг ташқи ишлар вазири Давид Леви Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак таклифига кўра, Қоҳирага ташриф буюради. Ушбу учрашув Ғарбий Қуддусда Фаластин террорчиларининг хатти-ҳаракатидан кейинги биринчи маротаба расмий равишдаги араб-исроил алоқаси ҳисобланади.

МАКТАБДА ОҲАК ЦЕХИ

СУРХОНДАРЁ. Таъмирлаш ишлари учун ҳар бир мактабга 1 тонна оҳакни 8-10 минг сўмга олишга тўғри келарди. Қизириқ туманида бу нархни 20 бараварга арзонлаштиришга эришилди. Туман халқ таълими бўлими 29-мактабда оҳак пишириш цехини очди. Цехда кунига 1 тонна оҳак тайёрланмоқда. Тумандаги 45 та мактабни ана шундай маҳсулот билан таъмирлаш йўлга қўйилди. «40 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ғалла олдик, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Қарши Чориев. — 230 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Даромадни эса мактабларни ободонлаштириш, ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга сарфлаймиз».

Олимжон УСАНОВ.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР КЎПАЙДИ

НАВОИЙ. Вилоятдаги машинасозлик заводи жамоаси кўплаб саноат маҳсулоти қатори кенг кўламдаги халқ истеъмоли моллари-ни ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирган. Чунончи, 30 дан зиёд харидоргир моллар тайёрланяпти. Улар орасида кир ювиш машинаси, дазмол, рўзғор буюмлари, челак ва бошқалар бор. Корхонада ҳозиргача 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки.

Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

(Биринчи мақола)

Юртбошимиз «Демократик ва бозор ислоҳотларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш буйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган махсус Миллий дастур тузиш лозим» деган фикрни айтгандан сўнг матбуот, радио, телевидение орқали арзийдиган фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар айтилмоқда. Маълумки, саводхон ва билимдон кадрларни тайёрлаш замини мактабдан бошланади. Бола мактабда пухта билим, кўникма, малака олса келажаги порлоқ бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек ҳозирги кунда мактаб ва маориф иши ҳам, кадрлар тайёрлаш ҳам талаб даражасида эмас. Республикамиз мустақил бўлгандан кейин ҳам маорифимиз тизимида жиддий ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказилмади. Республикамизда гимназия, лицей, коллеж каби мактаблар тури кўпаймоқда, таълим-тарбия ишларида ютуқларимиз бор, лекин таълим тизими илгаригидек давом этмоқда. Ўтмишимизга бир назар ташлайлик. СССР Халқ таълими қўмитасининг матбуотда берган ахборотига кўра 1988—1989 ўқув йилида иттифоқ бўйича (шу жумладан бизнинг республикамизда) мактаб ўқувчиларининг 9 фоизи қизиқиш билан аъло даражада ўқиган холос. 20 фоиз ўқувчи касб эгаллаш учун кўп ўқиш шарт эмас, деб ҳисоблаган. Ўқувчиларнинг 18 фоизи умуман ўқиш-ёзиш билан шуғулланмайди, вақтни беҳуда ўтказади. 63 фоиз ўқувчи эса вақти-вақти билан шуғулланади. Уларнинг 33 фоизи мактабда ўқитувчи ва катталар билан расмиятчилик учунгина тўғри муносабатда бўладилар. Юқори синф ўқувчиларнинг 9 фоизи ўз ўқитувчиларини тушунадилар, самимий муносабатда бўладилар, деб кўрсатилган. Кейинги йилларда ҳам таълим-тарбия ишларига ўқувчиларнинг қизиқиши яхши бўлгани йўқ, бу ҳеч кимга сир эмас.

Демак, ўқитиш ва тарбиялаш тизими талабга жавоб бермайди.

Таълим тизимини ўзгартириш учун педагогик илмий тадқиқот институти таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифасини белгиловчи қўлланма тайёрлаши зарур. Унда дарснинг таълимий, тарбиявий мақсади, ўқитиш жараёнида ўқувчининг тафаккури ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш усуллари баён қилиниши лозим. Шу вақтгача ўқувчининг мустақил ҳолда билимларни ўзлаштириш, мустақил ишлаш, мустақил фикр юритишларига эътибор берилмади.

Таълим ишини ислоҳ қилишни бошлангич синфлардан бошламоқ мақсадга мувофиқ. Болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш яхши фикр, лекин унга айрим аниқликлар киритиш зарурга ўхшайди. Республикамизда болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш ҳақида кўп тажриба-тадқиқот ишлари ўтказилди, унга боланинг руҳий, тиббий ҳолатлари, қизиқиш-қобилиятлари, оила шароити, экологик ҳолатлар ўрганилди. Соф экологик шароит бор жойларда, боланинг руҳий ҳолати, соғлиги етарли даражада, оилавий шароити таъминоти яхши бўлганда 6 ёшдан мактабга қабул қилиш мумкинлиги ҳақида хулосалар тўпланди. Болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш бошланса Қорақалпоғистон, Хоразм, Сурхондарё каби вилоятларимизда аҳвол қандай бўларкан. Бошланғич мактаб умумий таълим тизимининг биринчи бўғини, бу бўғин жуда муҳим бўлиб, ўқувчиларнинг келгусида муваффақият билан ўқишлари учун зарур бўлган билим, кўникма ва малака замини шу бўғинда берилади.

Галдаги вазифа, мустақил бошланғич мактаблар қуриш, деб ўйлайман. 1—5 синф ўқувчиларини эрталабки бепул нонуштасини қайта тиклаш зурур. 1990-йилларда Узбекистонда мингта яқин омонат (авария) ҳолатидаги мактаблар борлиги матбуотда эълон қилинган эди. Ҳозир ҳам омонат ҳолатидаги мактабларимизни учратиш мумкин. Чунки мактабларни таъмирлаш учун жуда кам маблағ ажратилади. Сир эмаски, ҳар йили ўқувчи болалардан мактабни таъмирлаш учун 100 сўмдан 400 сўмгача пул йиғилади. Пул йиғиш ҳамма мактабда ҳар хил. Бу

Маориф ва ислоҳот

ҳолат ҳам ҳаммага маълум, лекин айрим оилалар шундай пулни бериш имконига эга бўлса, айрим оилаларда бундай имконият йўқлигини ҳисобга олиш керак.

Яна қурилиш ҳақида гапирадиган бўлсак, агар болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилсак, улар учун қўшимча синф хоналари бўлиши керак. Бу ўқув йилидан бошлаб ҳозир 7 ёшга тўлган тахминан 300 минг бола мактабга қабул қилинади. Улар учун синф хоналари бор. 6 ёшдан мактабга қабул қилинадиган бўлса, тахминан 500 минг бола учун синф хоналари зарур. 6 ёшли болалар 25—30 тадан синфларга ажратиладиган бўлса улар учун ўқув хонаси, ўйин-овқатланиш хонаси, дам олиш, дарсдан сўнг ухлаш хонаси бўлиши шарт, демак 6 ёшли болалар синфи учун ўқув анжомлари билан безатилган учтадан хона тайёрлаш керак. Мактаблар 12 йиллик бўлса, 11-синфни битирган ўқувчилар учун ҳам синф хоналари керак, албатта. Ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш учун мактаблар қошида меҳнат хоналари, цехлар, кичик-кичик корхоналар ҳам қурилгандагина мақсадимиз амалга ошади. Зеро, миллатнинг, мамлакатнинг, буюк давлатнинг асоси, келажаги мактабдан бошланишини унутмайлик.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

СИЗ БИР ЁНУ БИЗ БИР ЁН

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг олти йиллигини кенг нишонлаш арафасида турли жабҳаларда иш олиб бормоқда.

Ўтган олти йилча вақтда мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасида кўзга кўринарли ишларни қилганидан қувончдамиз. Мамлакатимизда биринчи маротаба кўппартиялилик асосида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайлови ўтказилди.

1995 йилда сайловларда мен ҳам партия рўйхати бўйича (Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани) 42-Жейнов сайлов округидан вилоят кенгаши депутатлигига сайлангандим. Ўтган икки йилда бирмунча ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдим.

Тўғри, илгарилари ҳам республика, вилоят ва туман кенгашлари депутатлигига сайланганман. Бироқ кўппартиялилик асосида илк бор ўтказилган депутатлик сайловида ҳар бир партиянинг ва унинг аъзосининг мустақилликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширадиган ишлари дастурий асос қилиб олинди.

Мен асосан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан иш олиб боряпман. Депутат сифатида вилоят ва туман партия кенгашлари ижроия бюроси ва сайловчиларим олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб бормоқдаман. Улардан зарур маслаҳат ва ёрдам олиб, депутатлик фаолиятимни давом эттирмоқдаман. Ўтган йиллар давомида бизнинг сайлов округимизга қарашли Жейнов, Айзабод, Булуч ва Авазчўл қишлоқларида яшаётган аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Масалан, Жейнов қишлоғида 600 ўринли ёзги клуб биноси, 550 ўринли Жейнов маданият саройи, 3 та 140 ўринли болалар боғчалари, 60 ўринли чойхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш икки қаватли биноси, 100 хонадонга мўлжалланган уй-жой биноси, Жейнов деҳқон бозори, Айзабод ва Булуч қишлоқларида бир йўла 35 кишини қабул қиладиган ҳаммом, 650 ўринли ёзги клуб биноси, 60 ўринли чойхона, 13 хонадонга мўлжалланган уй-жой биноси ҳамда икки қаватли шарқона услубда қурилган масжид фойдаланишга топширилди. Жами Жейнов жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида ободонлаштириш ишлари учун 24.546.400 сўм маблағ сарфланди!

Авазчўл қишлоғида ҳам 624 ўринли мактаб ва маиший хизмат кўрсатиш биноси фойдаланишга топширилди. Жейнов ва Авазчўл қишлоқ хонадонлари тўлиқ газлаштирилди...

Жейнов маданият саройида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилган. Марказда 20 кишидан иборат тарғиботчилар гуруҳи ишлаб турибди. Жамоатчилик маркази қошидаги кутубхона эса бойитилди.

Мақсадим — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳар ким қўлидан келганча амалий ҳисса қўшса. Сиз бир ёну биз бир ён бўлиб, ҳиссамизни қанча кўпайтирсак эл тўқ, юрт обод бўлғай!

Мустақиллик ва бурч

Муродилла САИДОВ,
Қашқадарё вилоят Кенгашининг депутати,
Жейнов жамоа ширкат хўжалиги раиси.

СУРАТ-АХБОРОТ

Норин туманидаги Норинкапа қишлоғида йилига 100 минг декалитр, бир сменада 385 декалитр лимонад ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга туширилди. «Зилол сув» ҳиссадорлик жамиятининг, 12-йўл қурилиш бошқармаси ва қатор бинокорлик ташкилотлари корхонани бунёд этишда фаол иштирок этишди. Яқинда шу корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг очилиш маросимидан лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ЁҒ ВА КОНСЕРВА

БУХОРО. *Жондор туманидаги «Омад» ҳиссадорлик жамияти Италиянинг «Фарма» фирмаси билан ҳамкорлик қила бошлаганига 6 йил бўляпти. Бир кеча-кундузда 350 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона фаолият кўрсатмоқда. Шу пайтгача тайёр маҳсулот 200 килограммли махсус идишларда қадоқланарди.*

Бундай ҳаракат талабга жавоб бермай қўйди. Шунинг учун Швейцариянинг «Тетра Брик Асеитик» фирмаси билан ҳамкорликда 28 турдаги консерва ва беш хил шароб маҳсулотларини қадоқлайдиган технология келтирилди. Тўрт хил ҳажмдаги қутичаларга ҳар соатда 3600 дона маҳсулот қадоқланади. Шунингдек, бу ерда чиқинди данаклардан ҳар кеча кундузда бир тонна ёғ олинадиган цех фойдаланишга топширилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ХОСИЯТИ

НУКУС. *Хўжайли деҳқон бозорига кираверишда «Адраспан» яъни исириқ деб аталган дорихонага кўзингиз тушади. Бу дорихона икки йил аввал Ойша Тўракеева томонидан хусусийлаштирилган эди. Ҳозир бу ерда ҳар хил дори-дармонлар топилади. Олис овуллардан, ферма ва хўжаликлардан келаётганларнинг ҳам ҳожатлари чиқарилмоқда. «Тошкент, Қозоғистон, Россия ва бошқа жойлардан саломатлик учун зарур дори-дармонларни шартнома асосида олиб келмоқдамиз», — дейди аптека мудири Ойша Тўракеева.*

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

КИМНИНГ ТАРОЗИСИ ТЎҒРИ?

Сотувчиникими, харидорники?

Эски Жўва бозоридан тўрт кило гўшт олдим. Олдиму иккиланиб қолдим: гўшт чамамда енгилроқ туюлди.

— Тарозига шубҳа қиляпсизми? Агар ишонмасангиз бошқасида тортиб бераман, — деди гўшт сотувчи ишонч билан.

У қўл тарозисини чўнтагига солдида, гўштни кўтариб нарироқда турган паллали тарозига қўйди. Гўшт икки юз граммга енгил келди. Ҳижолат бўлган гўштчи:

— Келинг, бошқасида тортиб кўрайлик, — деди.

Лекин энди бизни кузатиб турган бошқа гўштчилар тарозиларидан фойдаланишга кўнишмади.

Нима қилишини билмай қолган гўшт сотувчи бир шапалоқ гўшт олди-да:

— Мана камига, рози бўласиз-да, ака, — деб халтага солиб қўйди.

Гўшт растасидан чиқиб дўконга кирдим. Қани, гўштни торттириб кўрайчи, дедим қизиқиб.

Гўшт уч килою олти юз грамм чиқди. «Падарингга лаънат, салкам ярим килога ҳам алдайсанми?», деб юборибман овозимни чиқариб.

— Нима дедингиз? — деди сотувчи ҳайрон бўлиб.

— Йўқ сизга эмас, раҳмат, — деб кўчага чиқдим.

Гўшт баҳона бўлдию бозорда кўрганларимни кўз олдимдан ўтказа бошладим. Бозорда ўтирганларнинг ярми «тирикчилик» қилаётганлар бўлса, қолганлари бошқа вилоятлардан гўшт олиб келган одамлар эди. Чилги чилгини кўриб чумак уради, деганларидек, улар ҳам энди аввалги содда деҳқонлар эмас. Бозор уларни анчайин пишириб қўйган. Бу ерда сизнинг ҳақингиздан уриб қолишмайди. Фақат тарози кўрсатганини берсангиз бўлди. Шунинг учун «тарози билади-да, ака», деган гапни бу ерда тез-тез эшитиб қоласиз. Тарози эса айёр (Баъзида бунинг акси). Унинг айёрлигини баъзида эгаси билади. баъзида билолмай юқоридаги гўштчи сингари у тарозидан бунисига сакраб қолади.

Агар раста оралаб кузатсангиз, ҳамманинг қўлида ҳар хил тарозини кўрасиз. Гўё тарозилар кўргазмаси дейсиз. Шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, харидорлар ҳақига билиб-билмай ҳиёнат қилиш турли тарозилардан фойдаланиш оқибатида рўй бермоқда. Тўғри, бозор катта, ҳаммани махсус тарозилар билан таъминлаш мушкулдир. Агар шундай бўлса, маълум нуқталарга текширув тарозилари ўрнатилса, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, албатта камайган бўлар эди.

Ҳозир гўшт растаси анча кенгайган. Шароити ҳам ёмон эмас. Лекин у ердаги санитария ҳолати кўнгилдагидек деб бўлмайди. Пашшалар ғужғон ўйнайди. Гўштчилар хоҳлаган нарсани ушлаб, яна сизга бемалол гўшт тортиб бераверишади. Уларнинг соғ ёки касаллигини ҳам ҳеч ким билмайди. Баъзан гўштларни кўриб, кўнглинг айнийди. Иссиқда тураверириб қорайиб кетган. Харид қилиш у ёқда турсин, қарашга кўнглингиз тортмайди.

Айтишимиз мумкин: «Бу гўшт ёқмаган бўлса, ана, оппоқ қоғозларга, килолаб ўраб қўйилганларидан олавер», деб. Менку сотиб оларман, бошқаларчи? Ҳамма ҳам кўнгилдагидек гўшт харид қилгиси келади.

Менимча, бу аҳвол шаҳримиздаги бошқа гўшт билан савдо қилувчи бозорларда ҳам шундай бўлса керак.

Гўшт бизнинг кундалик зарур эҳтиёжимиздир. Биз ва оиламизни соғомон бўлиши кўп жиҳатдан ана шу бозорда савдо қилаётган гўштчиларга ҳам боғлиқ. Чунки биз уларнинг ҳар кунги харидорларимиз. Бозор маъмурияти ҳам инсонлар бозор учун эмас, бозор инсонлар учун хизмат қилиши кераклигини, уларнинг кундалик фаолиятига, керак бўлса ҳаётига қайсидир маънода жавобгар эканликларини унутмасинлар.

Қодиржон ҚАЮМОВ.

Партия ахбороти

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари — партиянинг мамлакат Олий Мажлисидаги депутатлари вакиллари, ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кенгашлари, ҳамда уларнинг таркибидаги туманлар кенгашларининг масъул ходимлари, адиблар, жамиятшунос олимлар, партия марказий нашрлари журналистлари ҳузурида Тошкент молия институти ректори, академик М. Шарифхўжаев «Мустақил Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш йўллари» мавзуида маъруза қилди ва тингловчиларнинг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТЛАР ВА ...

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Жиноятчига одил, яъни асл қилмишига яраша жазо тайинланиши қонуннинг, ундан сўнг адолатнинг тантанаси бўлиб, бу жамиятнинг асос қурилиши пишиқ ва демократик эканлигидан далолат беради. Акс ҳолда, ҳақиқий жиноятчи бир четда қолиб, бегуноҳ одамга жазо берилса, ёхуд бирор жиноий иш содир этган киши макр-ҳийла билан жазодан қутулиб қоладиган бўлса, бу авваламбор ҳуқуқ органлари шаънига, сўнг жамият шаънига доғ туширади. Бундай ҳолатлар прокуратура ходимлари томонидан сергак қўриқланиши лозим. Айрим мисолларга мурожаат қиламан. Фалокат оёқ остида деганларидек, жанжал арзимаган нарсадан чиқади. Яккабоғ тумани Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги, Қоратут қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммадиева Ханифа ёш болалар жанжали туфайли қўшнилари Ярашев Шербобо ва Ярашева Рашидалар билан сан-манга бориб қолишади. Воқеа-ку шу билан тугаса олам гулистон эди. Лекин воқеага Ҳанифанинг укалари — Муҳаммадиев Нурали ва Бегалилар аралашишади. Опаси уларга «мени қўшниларим урди, ҳақорат қилди» деб айтганидан сўнг, улар Ярашев Шербобонинг уйига бориб, уни опаси Ханифанинг уйига чақиришади. Сўнг уни уриб, тепиб, қовурғаларини синдиришади. Жиноий қилмишини ака-ука биргаликда содир этишган бўлсада, укаси, Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими ходими Муҳаммадиев Бегали қилган номаъқул ишдан четда қолиб, жазодан қутилиб қолмоқчи бўлади. У айрим ҳамкасбларини қўлга олиб, Шаҳрисабз «Пахтабанк»идаги соқчи милиционерларнинг постни қабул қилиш ва топшириш китобини қайта кўчиртиради, яъни 1996 йил 8 сентябрь кунидаги соқчи милиционерлар исм-шарифини 9 сентябрь кунидаги соқчи милиционерлар исм-шарифи билан алмаштиради. Бу билан Муҳаммадиев Бегали ўша кун постда турган дея, уни жиноий жавобгарликдан қутқазишга ҳаракат қилиниб, ҳужжатлар аниқ бир мақсад билан қалбакилаштирилади. Иш шу тариқа кетса, жиноятчи жазосиз қолган бўлур эди. Бунинг устига жабрланувчи Ярашев Шербобонинг судда гувоҳлик бериб, «... улар икков эдилар, агар бир киши бўлганда ўзимни ҳимоя қилган бўлар эдим» деган ҳақли гапи мутлақо эътиборсиз қоларди. Воқеага Яккабоғ туман прокуратураси аралашади ва бу ҳақда яхшиси ҳужжатларга мурожаат қилайлик.

Туман прокурори вазифасини бажарувчи А. Қодиров имзоси билан Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси С. Азизовга шу иш бўйича 1997 йил 18 февралда йўллаган маълумотномасида жумладан шундай дейилади:

«Ушбу жиноят иши юзасидан иш ҳолатини конкретлаштириш мақсадида туман прокурори ёрдамчиси томонидан оғзаки талабнома киритилиб, жабрланувчи Ярашев Ш. ва гувоҳ Муҳаммадиев Бегали ва бошқаларнинг важлари чуқур текширувдан ўтказилган. Талабнома асосида важлар текшириб кўрилди. Текширишда 1996 йил 8 сентябрь куни Муҳаммадиев Бегали Шаҳрисабз шаҳар «Пахтабанк»ида мутлақо постда турмаганлиги, қурол олмаганлиги аниқланди. Шаҳрисабз шаҳар ИИБ соқчилик бўлинмаси ходимлари Ш. Имомов, Б. Файзуллаев, С. Тўхтаев ва Ғ. Боқиевлар касбдоши Бегали Муҳаммадиевни жавобгарликдан олиб қолиш мақсадида тергов ва судни чалғитиб келганлиги маълум бўлди.».

Оқибатда жиноят содир этган барча шахслар қонун бўйича тегишли жазоларини олдилар.

Яккабоғ туман прокуратурасида кейинги тўрт ой давомида кўрилган ишдан бўшатиш ҳақидаги фуқаролик ишлари ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилди. Асосан қайси ташкилот ёки корхоналар маъмурияти томонидан инсон ҳуқуқи поймол қилиниб, Меҳнат ҳақидаги қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганига алоҳида эътибор берилди. Яккабоғ туман прокуратураси фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор ҳолатларда даъво аризалари қўзғатиб, судга юборган. Натижада 6 та ишнинг барчаси ноҳақ ишдан бўшатилган фуқаролар фойдасига ажрим қилинган.

Шулардан бирини келтирсам. Даъвогар Муқаддам Бухарова аризаси бўйича 1996 йил 3 сентябрда фуқаролик иши кўрилган. Даъво аризасида у 1979 йилдан буён Яккабоғ боғдорчилик хўжалиги «Чарос» болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб келганлигини, 1995 йил 3 июнь куни Яккабоғ жамоа ширкат хўжалиги маъмурияти «Чарос» болалар боғчаси мудирасининг рапортига асосан 1995 йил 13 май куни А. Эштемировни урди, деб айб қўйиб, уни розилигисиз оддий ишчи қилиб ўтказиш тўғрисида қарор чиқарганлигини, лекин у А. Эштемировни урмаганлигини, бу гап билан уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ қонунсизлигини кўрсатиб, уни ишга тиклашни ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб беришини сўраган. Суд мажлиси даъвогар ва жавобгар ҳамда гувоҳларнинг кўргазмаларини, ишдаги материалларни ўрганиб чиқиб, томонларнинг фикрини эшитиб, даъвогар Бухарова Муқаддамнинг даъвосини асосли деб топиб, уни ўз ишига тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақи ундириш ҳақида 1995 йил 5 сентябрь куни ҳал қилув қарори чиқарилган ва ижрога қаратилган?

Худди шунингдек, яна «Чарос» болалар боғчаси тарбиячиси О. Қодирова, Яккабоғ туман жамоа ширкатлар уюшмаси ишчиси Соатов Райимберди, «Шарқ юлдузи» жамоа ширкатлар уюшмаси шофёри Хидиров Одил, шу уюшма бош муҳандиси Имомов Бердиназар, «Ҳисор» давлат хўжалиги шофёри Валиев Боймахматлар ўз ишларига қайта тикланганлиги ҳамда мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақи ундириб берилганлиги қайд этилади-ки, бу борадаги ишлар анча эътиборга лойиқ. Шундай ишларни умумлаштириш шартномасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйган ташкилот раҳбарлари, «Чарос» болалар боғчасининг мудираси Т. Холиқова, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги собиқ раиси И. Бўриев, «Ҳисор» жамоа хўжалиги собиқ раиси Сафаровларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари таҳлил қилиниб, аниқланган. Салбий фактлар юзасидан, келгусида инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишининг олдини олиш ва бу турдаги қонунсизликлар бўйича фуқаролар юқори идораларга асосли равишда шикоятлар билан асоссиз мурожаат қилишини бартараф этиш мақсадида шундай тақдимномалар киритиш лозим деб топилди. Ҳамда мазкур тақдимномада қайд этилган фактларни туман ҳокимлигининг навбатдаги йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, бундай ғайриқонуний ҳаракатлар келгусида такрорланмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фарҳод ШАЙМАНОВ,
Яккабоғ тумани прокурорининг ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

ПОЛЬША — ЎЗБЕКИСТОН:

«ҚАРАШЛАРИМИЗДАГИ ЯҚИНЛИККА ШУБҲА ЙЎҚ»

— деди Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качиньски оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Тошкентда бўлган учрашув чоғида.

Кейинги пайтда Европанинг қатор мамлакатларида, жумладан Польша Республикасида ҳам кучли сув тошқини рўй берди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Польша 25 миллиард АҚШ доллари миқдорида зиён кўрган.

— Дўстлар қулфатда билинади, — деди Богуслав Качиньски. — Буни халқимиз бошига оғир кунлар тушганда яқиндан ҳис этмоқдамиз. Кўпгина мамлакатлар ёрдам қўлини чўзмоқда. Бугунга келиб халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами 10 миллион долларни ташкил этди.

Жаҳоннинг турли мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон аҳолиси ҳам Польша бошига тушган табиий офат муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирмоқда. Элчихонага ҳар куни кўплаб қўнғироқлар бўлмоқда. Ҳамдардлик билдирилган хатлар ва телеграммаларни Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан олмоқдамиз. Бу халқларимизнинг яқинлигидан далолат эмасми?

Ҳозир Польшада табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда. Шуниси қувончлики, кутилмаган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизда ўсиш суръатлари кузатилмоқда.

Сиёсий ҳаётга келсак, сентябрь ойида бўладиган парламент сайловларига тайёргарлик бормоқда. Партиялар бўлажак сайловларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Сайловлар қизғин курашда ўтиши турган гап. Лекин энг муҳими, ташқи сиёсатдаги яқдилликдир. Бу хавфсизлик ва яхши қўшничилик сиёсатидир.

Пировардида элчи жаноблари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатига тўхталиб, унга юқори баҳо берди. — Президент Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни сақлашга қаратилган изчил сиёсатни олиб бормоқда, — деб таъкидлади Богуслав Качиньски. — Тинчлик бебаҳо неъматдир. Уни сақлаш ва қадрига етишни асло унутмаслик лозим.

Алишер РЎЗИЕВ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

АҚШ Президенти Билл Клинтон 20 йиллик «Самолёт савдосидаги таъқиқ»ни бекор қилди. Манбалардан маълум бўлишича Чили ҳукумати ҳаво ҳарбий самолётлари ва Американинг ЭФ—16 қирувчи самолётларига қизиқяпти. Бундан ташқари АҚШ Россия ҳамда бошқа мамлакатлар билан ҳарбий қуроллар сотиш бозоридаги рақобатлашишдан сақланмоқда. Масалан, яқинда Перу МИГ—29 қирувчи самолётларини Россия ва Белоруссиядан сотиб олди.

***

Буюк Британия маликаси 97 ёшга киришини нишонлади. Асрни қаршилаётган нуроний малика ҳамон бардам-бақувват, жамиятда фаол ўрин тутади.

***

Американинг олим Жеральд Хайнснинг фикрича, «учар ликопчалар»нинг 40—50 йилларда «Америкада пайдо бўлиши» бежиз эмас. Унинг тадқиқотларига қараганда, бу оммавий «учар ликопча»лар собиқ совет-лар махсус хизматининг иши бўлган экан.

***

Кўплаб Голливуд юлдузлари суд жараёнида журналистлар томонидан улар ҳаётига жирканч мақсадда ёндошилаётгани учун ҳимоя қилиницни исташмоқда. Бунга сабаб машҳурлик туфайли газеталарда мишмишларни кўпайиб кетаётганлиги ва ҳар қадамда тўп-тўп бўлиб суратга олувчилар ўраб олаётганидир.

Машҳур кишилар журналистларга қарши бирлашмоқда. Ҳозирданоқ бир қанча юлдузлар теледастурларда иштирок этишдан бош тортмоқдалар. Ҳамда журналлар билан ҳамкорликни ҳам камайтирмоқдалар.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия Президенти Борис Ельцин Москвага Самара области Волга соҳилидаги сиҳатгоҳдан дам олишдан қайтади. Давлат бошлиғи бу ерда икки ҳафтадан ортиқ вақт бўлди. Дам олиш чоғида ҳам Президент кўп вақти давлат ишлари билан банд бўлди. Россия ҳукуматининг деярли барча раҳбарлари ҳордиқ даврида Президент ҳузурига ташриф буюриб туришди.

Президент фармонларга имзо чекди. Радио орқали мурожаатнома эшиттирди. Давлат раҳбари пойтахтга қайтиш арафасида 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатда Россия рубли пул қийматини (1000 дан бирига камайтириш) ўзгартириш ҳақидаги қарорни эълон қилди.

* * *

НАТО Бош котиби Хавьер Солана ёзги таътилни Россияда ўтказиш учун келди. Бош котиб ёзги ҳордиқни Кремлда сайр қилишдан бошлади. Агар бундан ўн йил илгари биров «НАТО котиби Москвада дам олади» деган фикрни айтса, уша кимсага руҳий касалликлар шифокорига мурожаат қилишни маслаҳат берган бўлишарди. Бугунги кунда эса бундан ҳам ғаройиб воқеаларни кутиш мумкин. Солана Москвага рафиқаси, қизи ва ўғли билан самолётда учиб келди.

* * *

Машҳур эстрада гуруҳи «Битлз»нинг хонандаси Жорж Харрисон томоғидан рак касалига чалинганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтди, деб хабар қилади «Ю-ЭС-ЭйТудей» ахборот агентлиги. Текшириш якунига қараганда истеъдодли хонанданинг соғлиғи жойида экан.

* * *

«Дейли телеграф» газетасининг ёзишича келгуси йилнинг май ойида Парижда Франциянинг собиқ Президенти Уинстон Черчилнинг уч метрлик ҳайкали ўрнатилади.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Президент Франция озодлиги учун курашганди. Ҳайкални эса таниқли ҳайкалтарош Франция Нафис санъат Академияси президенти Жон Кардод ясади. «Дейли телеграф» газетасининг таъкидлашича, муаллифнинг лойиҳаси учун шахсан президент Жак Ширак томонидан 180 минг фунт стерлинг пул ажратилди.

БУ САФСАТА ЭМАС

Индонезия ҳукумати Россия Федерацияси билан икки ой давом этган музокаралардан сўнг Россиядан 12 та СУ-30 К самолёти ва 8 та МИ-17 вертолётларини сотиб олиш ҳақидаги қарорни қабул қилди. Бу ҳақда Жакартадан Индонезия давлат миллий тараққиёт масалалари вазири Гинанжар Картасасмит маълум қилди.

* * *

Бугун Ригада Россия-Латвия давлатлари ўртасидаги чегаралар масаласи бўйича ўтган йили апрелидан буён давом этиб келаётган музокараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтади. Икки кун давом этадиган музокаралар чоғида Россия-Латвия давлатлараро чегаралари ҳамда бошқа масалалар ҳусусида шартномалар имзолашга келишиб олинди.

* * *

Хорватиянинг Симит шаҳрида Хорватия Президенти Франьо Туджман ва Босния Герцеговина президиуми раиси Али Иззатбекович ўртасида музокаралар бўлиб ўтади. Маълум бўлганидек, музокаралар чоғида асосий мавзу мусулмон — хорват масалалари бўлиб қолиши кутилмоқда.

* * *

Бугун Россия Федерацияси пойтахтида Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзовнинг Россия «Газпром» акционерлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхирев билан учрашуви кутиляпти, деб хабар қилади «Новости» ахборот агентлиги. Учрашув чоғида, Украина ва Арманистонга табиий газ узатиш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилади.

* * *

Сингапур дунёдаги ягона кашандаликка чек қўйилган мамлакат бўлиш учун ҳаракат қилмоқда, — деб маълум қилади «Ассошиэйтед Пресс». Мамлакатда шу йилнинг 15 августидан кучга кирадиган янги қоидага кўра Сингапур фуқароси фақат ўз уйида, шахсий автомашинасида ҳамда жамоатчилик биноларида эса маҳсус чекиш жойидагина кашандалик қилишлари мумкин.

Қоидани бузган сингапурлик эса 685 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлади. Иккинчи сафар эса жарима миқдори ҳам икки баравар ошади, деб кўрсатилади манбада.

ФУЗУЛИЙ ВА ШАТРАНЖ

Ишқ-муҳаббатни тараннум этувчи мислсиз асарлар яратган санъаткор Муҳаммад Фузулий ўз даврининг барча илмларидан хабардор бўлгани каби, шахматни ҳам қадрлаган. У ишқда Мажнундан анча устун эканини баён этмоқ мақсадида шахмат доналарининг юриш-туришидан, ўйин қоидаларидан бадиий восита сифатида усталик билан фойдаланган.

Мандан замон ила Мажнун муқаддам
ўлса нола,
Ўюнда шох баробар
дегил пиёда ила.

«Мажнун замон эътибори билан қараганда ишқ оламига мендан хийла илгари келган бўлса-да, муҳаббат майдонининг шохи мендирман, Мажнун эса унинг пиёдасидир», дейди Фузулий.

Боғдод яқинидаги бир жойнинг шахмат тахтаси шаклида эканлигини, атрофи қалъалар билан мустаҳкам ўралганини тасвир этаркан:

Арсайи-шатранж так саҳнинда
шабларди хутут,
Қалъалар хат каби ул шатт узра
биҳадд бишумар,

деб қўшин силжиётган жойнинг аниқ жуғрофий ҳолатини беради. Ўрта асрларда ҳар бурчагида биттадан, жами 4 та қалъаси бор шахмат ҳам бўлган. Фузулий шахмат тахтасига ўхшатган жойнинг ҳар тарафи қалъалар билан мустаҳкамланган экан. Демак, шоир бу хил шахматни ҳам кўрган ва билган дейишга асос бор. Фузулий шахмат ёрдамида Ўрта аср жангларини таърифлаган. «Лайли ва Мажнун»даги Навфал жангини у бундай тасвирлайди:

Саф тортишди икки
тарафдан қўшин,
Жангга киришмоқни
қилдилар тайин
Бир тонг пайти, қилди
Хисрави-Рум
Шом аҳлига ҳинд
фатхини шум.
Сайёрадан олиб у меҳрумайдон,
Қилич солди ва тутди
қалқон.
Адоват ханжари бўлиб
ошкора,
Гардун зирҳини айлади
пора.
Шатранж мисол ул икки
лашкар
Бир-бирига турди
баробар.
Гоҳ найза уриб бири
бирига,
Гоҳ каманд ташлаб унинг
асрига,
Қонлар оқиздилар Кура
сувидай,
Жасадлар қоплади
майдонни бирдай.

Фузулийнинг шахматни яхши билганлиги ҳақида профессор Фуад Қосимзода айтган фикр жуда қизиқ. У Фузулий асарларида шахмат ўйинининг номи тез-тез учраб турганлигига ва уларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилганлигига асосланиб, улуғ шоир халқ орасида кенг ёйилган бу ўйинни билган, деб қайд қилади. Фузулий машҳур олим Абу Райҳон Беруний асарлари билан таниш бўлган. Бинобарин, шахмат тарихи ҳақида Беруний берган маълумотларни Фузулий таҳлил қилиб чиққан дея оламиз.

Фузулийнинг шахматга бўлган муносабати Б. Ваҳобзоданинг «Эътироф» достонида ҳам ўз аксини топган. Унда айтилишича, шоир Карбалога кетаётганида йўлда бир уйда қўниб ўтишга тўғри келади. Фузулийни танимаган уй эгаси суҳбат вақтида «мен нодир нарсалар тўплайман» дея унга қимматбаҳо узук, қилич, тахтаси фил суягидан, доналари инжудан ясалган шахмат, жилдига минг хил безак берилган китоб (у Фузулийнинг девони эмиш) кўрсатади.

Уй эгаси шахматни кўрсатаркан;

Бир донасини ишонки, юз динорга бермайман,
Буларни султонга ҳам, шохга ҳам кўрсатмайман,

дейди. Бу сўзларни эшитган Фузулий узоқ фикрга толади ва ниҳоят «Аслини билсанг, мен бу буюмларни кўрмаяпман, мен булар орқали ажиб маъноларни ҳис қиляпман... Сен безак-тузакни тўплаш билан оворасан, мен эса уларни бошқача тасаввур этаман: Бу узук билан неча-неча тўйлар ўтказилиб, қанчаданқанча гўзаллар бармоғидан чиқариб олинган; Бу ханжар қанчалаб кишиларнинг кўксига қадалган; бу китобнинг жилди сеники, ичидаги туйғулар ўзгаларникидир», дебди. Шоирнинг бу фалсафий муҳокамаларидан англашиладики, у фил суяги-ю инжудан ясалган шахматдан эмас, балки бу тахтада кимлар жанг қилганлиги, уларга дахлдор дард-аламлар, тахта узра ҳал бўлган тақдирлар билан мароқланган.

Буларнинг ҳаммаси жаҳон халқларига, жумладан, Марказий осиёликларга, айниқса қадрдон бўлган Фузулийдек забардаст шоир учун шахмат илҳом манбаи хизматини ўтаганлигини тасдиқлайди.

СИЗ ҚАНДАЙ ЎЙНАРДИНГИЗ?

Юриш навбати оқлардан. Бўлажак уч-тўрт юришни кўрсатинг.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Спорт

ОСИЁ КУБОГИНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Ўзбекистон биллур соврини соҳиби сифатида Осиё кубок эгалари кубоги учун курашда иштирок этади. Хусусан, фарғоналиклар дастлабки учрашувни 8 августда Туркманистоннинг «Копетдоғ» жамоасини қабул қилишдан бошлашади. 15 августда эса музкур жамоаларнинг такрорий ўйини бўлади. Футболчиларимизнинг ўйинлари муваффақиятли давом этса, 29 августда Қозоғистон ва Қирғизистон жамоалари учрашуви ғолибини қабул қилишади. 12 сентябрь куни такрорий ўйин бўлади. Келаси йилнинг 13—15 март кунлари финал учрашувлари ўтказилади. «Навбаҳор» эса Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсда қатнашади. 19 сентябрь куни Тожикистон динамочилари билан Қирғизистоннинг «Металлург» жамоалари учрашуви ғолибини қабул қиладилар. Такрорий ўйин 26 сентябрга мўлжалланган. Навбҳорчиларга омад кулиб боқса, 10 октябрда «Тараз» (Қозоғистон) — «Ниса» (Туркманистон) жамоалари учрашуви ғолибини қабул қиладилар. Такрорий ўйин 17 октябрда ўтказилади. Ҳал қилувчи учрашувлар эса келаси йилнинг 20—22 март кунлари ташкил этилади.

НАФАСНИ РОСТЛАГАЧ

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати иштирокчилари дастлабки даврадан кейин дам олиб, нафасни ростлаб ҳал қилувчи давра ўйинларига киришдилар. 18-турни «Навбаҳор» ва «Нефтчи» жамоалари бошлаб беришди. Бу ўйинда майдон эгалари мағлубият аламини тортдилар. Учрашув 3:0 ҳисобида фарғоналиклар фойдасига ҳал бўлди. Сал олдинроқ эса ўтган давранинг кечиктирилган бир учрашуви бўлиб ўтган эди. МҲСК футболчилари «Дўстлик» жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Шундай қилиб, армиячилар ҳали бирон маротаба дуранг ёки мағлубият нималигини билмай, очколарни 51 тага етказаган ҳолда пешқадамлик мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Ўзбекистон кубоги учун эса пахтакорчилар билан «Насаф» жамоаси учрашди. Учрашув пахтакорчилар фойдасига (4:0) ҳал бўлди. «Пахтакор» курашнинг ярим финалига чиқди. Бугун «Чилонзор» — «Афросиёб», «Атласчи» — «Хоразм» жамоалари майдонга тушадилар. Эртага яна 6 та ўйин бўлади.

САМАРҚАНДДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Самбо бўйича халқаро уюшма келаси йили қадимий шаҳарда навбатдаги Осиё чемпионатини ўтказишга қарор қилди. Бунинг боиси бор, албатта. Самарқандда спортнинг самбо турига катта эътибор қилинмоқда. Спортчилар эришаётган натижалар ҳам чакки эмас. Йирик халқаро мусобақани ташкил этиш учун эса етарли шарт-шароитлар мавжуд. Бу хушхабардан кейин кўҳна шаҳарда чемпионатни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-тадбирий тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

ТЕННИС БАЙРАМИ БЎЛАДИ

Юртимизда спортнинг теннис тури тобора ривожланиб бормоқда. Кичик тўп ошуфталари сафи кенгаймоқда. Спортнинг бу тури билан шуғулланиш учун шароитлар яратилмоқда. Шу кунларда Мустақиллик байрамига тўёна тариқасида бунёд этилаётган яна бир усти берк теннис кошонаси битай деб қолди. «Юнусобод» теннис саройи мажмуига кирувчи бу кошонада «Президент кубоги» учун тўртинчи марта ўтказиладиган мусобақани ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу йилги мусобақа 8—15 сентябрь кунлари бўлади. Мукофот жамғармаси ҳам анча кўпайтирилган. Умуман халқаро теннис уюшмаси юртимизда теннис байрамини ташкил этишни мўлжалламоқда. «Буюк ипак йўли» халқаро мусобақаси Самарқандда бошланиб, барча вилоят марказларида давом этади. 20 сентябрдан 19 октябргача давом этувчи теннис байрами мухлисларда катта қизиқиш уйғотиши кўзда тутилмоқда.

ХОМСЕМИЗЛАР

Турфа олам

Одатда гавдаси тўла одамлар ўзларини кўпчилик орасида назаримда сал ноқулайроқ ҳис этаётгандек бўлади. Негаки бундайларни кўпам хушлайвермаймизми? Билмадим. Лекин мен тўла гавдалиларни учратганимда улардаги «айиқдек» бесўнақайликларига эмас, бошқасига «хушчақчақми-вазминми?» деган қизиқиш билан кузатаман.

Тадқиқотчи олимлар қандай фикрда билмадим-у, менинг кузатишимча, хом семизлар очиққўнгил, бироз «қитмирроқ» бўлишади. Аслида семизлик одамни «юлдуз» қилиши ҳам мумкин.

Йўқ, дерсиз. Балки «ростданми?» деб ажабланарсиз. Ҳайратланманг. Бир қарашда «Дунёдаги энг семиз одам битта ўлади. Қолганлар-чи? Қандай қилиб машҳур бўлади?» деб ўйлашингиз мумкин. Ҳаммаларнинг машҳур бўлиши унчалик қийин иш эмас экан.

Бесўнақай одамлар ўтмишда ҳам кўп бўлган. Айнан ўшалар ўз даврининг «юлдуз»лари бўлиш учун тиришган эканлар. Ҳатто ўзига ўхшаганлар билан «рақобатлашган».

Грециядa яшаган Дионисий шу қадар семиз бўлганки, ўтирган кўйи пинакка кетмаслик учун елкаларига жувалдиз санчиб қўйишларини буюраркан. Шу ҳолига у машҳур раққос ҳам саналган.

XVIII аср ўрталарига келиб, айниқса, Италия ва англиялик хомсемизлар жаҳон «саҳнаси»га чиқиб олишганди.

Агар аҳамият берган бўлсангиз, бундай «қомати қилич» тарихий шахслар ҳам талайгина. Тарихдан маълумки, англиялик Вильям IV, француз Людовик XVIII, улар орасида айниқса ғайритабиий семиз папа Лев X, сицилиялик улкан гавдали авлиё Фома Аквинский.

Айтайлик, Фоманинг ғайри-оддий серҳаракатлилигини кўп таъкидлашади. У ўзининг 150 килограммлик вазни билан бўйдоқликдан безиб, монастрнинг махфий ҳужрасидаги тор туйнукдан «сирғалиб» чиқиб, тунларини «ишратда» ўтказган, буни сезганлар ҳайратдан ёқа ушлашганди. Унинг бу «абжирлиги»га қойил қолганлар ҳатто «гуноҳи»дан кечиб юборишган экан...

Бесўнақайлар негадир табиатан хушкайфият бўлишади. Атрофингизга бир назар солинг-а, семизлар танг вазиятда «битта гап билан» даврадошларининг руҳини кўтариб юборишади. Биз лилипут цирк артистларининг чиқишларини жуда кўп томоша қилганмиз. Шундай бўлгач «дев-дек»ларнинг қаери кам улардан?

Англияда яшаб ўтган Дэниель Ламбертни дунёдаги энг хушчақчақ «улкан одам» дейишган. Дэниелни ҳақиқатан ҳам паҳлавон деса бўлади. Унинг оғирлиги 380 килограмм, белининг йўғонлиги бўлса 2 метру 80 сантиметр, қорнининг ўзи икки метр, сонининг қалинлиги 92,5 сантиметр экан!

Шундай баҳайбатлигига қарамай, Дэниель жуда қувноқ, ҳаракатчан, сермулозамат эди. Айниқса, у хонимларга алоҳида илтифот кўрсатиб, дарҳол уларнинг ҳурматига сазовор бўлардиям, кўплари унинг шайдосига айланарди...

Хомсемиз аёллар бўлса ҳамиша одамлар эътиборини тортишга, бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилишаркан.

Рут Понтиконинг оғирлиги 400 килограмм бўлсаям доимо эркаклар эътиборидан четда қолмаган. Ўзи эса табиатан «шўх» эди. Рут Понтико «сарви қомат» бўлмасаям: «жозибалилигимнинг ўзи етади» деб ҳисобларкан. Бироз пастроқ бўйига шама қилган ичи қора аёлларга эса (эркаклар ҳеч қачон унга бундай таъна қилишмаган!). «Бўйдан «сиқилмаганман». Аксинча, қоматдан мени бироз «сийлаган», холос» деркан қатъий қилиб.

Хўппасемиз Рот Понтико доимо хурсанд кўринар, бошқаларга хушкайфият улашарди. Бир сўз билан айтсам (бир қоп дейиш камлик қилар) тўрт қоп ёнғоқ эди. Очиқ кўнгилли бўлганиданми ҳамиша одамлар унга интилган, суҳбатларига ошуфта бўлишган.

Кэрри Акерс хоним бўлса ўзининг енгил табиат феъл-атвори билан ҳаммани ўзига ром қилганди. Рут Понтикодан ҳам бўйи анчайин пастроқ бўлсаям 1800 йилдаги «энг зўр раққоса» деб шуҳрат қозонганди.

У ўзи ҳақида «Феъл-атворим мени машҳур этмайди. Аксинча «қоматим!» дея бир аршинлик бўйини ғоз тутиб юрарди.

Умуман Кэрри одамларни жуда севган. Замондошлари уни эркалаб «ўйинқароқ Кэрри» ҳам дейишарди.

Тўғри, унинг баъзан карнавалларда тўсатдан бошлайдиган «ўйин»ларини айтмаса, ҳеч кимга зарари тегмаган.

Шуни айтишим мумкинки, Кэррининг дастидан фақат эркакларгина норози бўлишаркан. Аслида бу «жазо»ни ўша эркак хотинининг илтимосига кўра олганини ҳечам сезмас эканда. Унга «ўйноқи Кэрри» деган лақабни эса ўша эркаклар тўқишган бўлса, ажабмас.

Нима бўлганда ҳам Кэрри, умуман тўла гавдали одамлар ҳамиша эътиборда бўлишган. Давраларнинг гули, карнавалларнинг юлдузи...

Беўхшовроқ одамларни учратсам «Қизиқ, шу киши машҳур бўлиш имконияти борлигини ўзи ҳеч тасаввур қиларми-кин?» деган ўй ўтади кўнглимдан. Балки машҳурлик уларга керак эмасдир. Бунинг ҳожатиям йўқдир. Лекин уларнинг хушчақчақ мутойибаларини эшитгач «шундоқ ҳам улар давраларнинг «гули» деб қўяман. Бир зумгина бўлса-да, кўнглимизга шодлик олиб кирган одамнинг машҳурлардан қаери кам?! Балки «юлдуз»лар шунчалик самимият улашолмас бизга!

Хомсемизлар бироз қўполроқдир. Гап уларнинг ташқи кўринишида эмас. Ўтмишда ўтган «дев қомат»ларнинг қалби гўзал, самимий бўлганда. Йўқса, карнавалларда соҳибжамоллар қолиб, эркаклар Кэрри ёки Рутга интилишармиди?

Инсон ҳамиша самимият излайди. Баъзан шу хислат ўзида бўлмаса, жилла қурса Кэррига ўхшаганларга тик гапириб, қарши боролмаганку?! Шуниси ҳам таскин беради кишига.

Санда ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Суратда: паҳлавон Дэниель Ламбертнинг қувноқ ичакузди латифаларини эшитган одамлар ҳам бир қоп семирган.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 7 avgust, payshanba № 92 (22.176).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ТУРКИСТОН

Қалби қуёш Туркистон,
Қону қардош Туркистон.
Ўртададир дастурхон,
Тилда достон Туркистон.

Ўзбек, қозоқ — қош-қобоқ,
Тожик, қирғиз — иттифоқ,
Туркман билан дўст-иноқ,
Аҳил макон Туркистон.

Гўрўғлидек шери бор,
Манас каби зўри бор,
Алпомишдек эри бор.
Гўзал Ватан Туркистон.

Нур сочар баҳт қуёши,
Ҳурматда кекса — ёши.
Доим бутун нон-оши,
Ғаллага кон Туркистон.

Яссавийга макондир,
Тилла, кумушга кондир,
Кучгани зафар, шондир,
Обод маскан Туркистон.

Амир Темур сўзи бор,
Аждодларнинг изи бор,
Ўктам ўғил-қизи бор,
Қадим Турон, Туркистон.

Улуғбекдек султони —
Маърифатнинг ҳоқони.
Навоийнинг достони
Донг таратган, Туркистон.

Маҳтумқули — булбулдир,
Ворис Абай, Жамбулдир,
Чингиз Айтмат —
норғулдир,
Дориломон Туркистон.

Ғафур Ғулом куйлаган,
Ойбек юртни ўйлаган,
Халқ бахтидан сўйлаган.
Марди майдон Туркистон.

Истиқлолга юз тутган,
Келажакка кўз тутган,
Дўстта гул, юлдуз тутган,
Мангу бўстон Туркистон.

Бозор МЕЛИК.

ҚАЛАМ СЕҲРИ

Умр боғи

Қаламнинг сеҳри бор. Уни бир тутган қўл умрбод сеҳрланиб қолади. Қанчалик ташлаб кетай демасин, қаламга шунчалик боғланиб қолаверади. Афсуски, ижодкорнинг ҳаёт йўли ҳам қаламнинг бўй-бастидан узун эмас. Қаламдек тўғри, аммо қаламдек силлиқ эмас. Ижодкор қаламга ўхшаб ўзидан из қолдириб ўтади. Қаламдек тўкилиб-тўкилиб, қаламдек адо бўлиб ўтади. Қаламда тортилган бир сатр — ижодкорнинг бутун умри шу. Бундан ортиқ эмас. Бутун умр, умрнинг бутун мазмуни шунда жо.

Асарларга турли сифатлар, баҳолар бериш матлуб бўлса-да, ижодкорнинг катта-кичиги, ёш-кексаси бўлмайди. Чунки унинг матлаби, умр аъмоли битта. Буни рамзий маънода шундай дейиш мумкин: «Чўл ўрнида гўзал бўстон яратиш». Биз бу тайёр ифодани Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида яшаб ижод этаётган шоир ва журналист Бозор Меликнинг бир шеъридан олдик. Унинг шеърларию насрий асарларини ўқир эканмиз, муаллиф ва ижоди ҳақидаги кемтик тадемак уни икки карра шоир дейиш мумкин.

Тўғри, шоир бўлиб у шеъриятда фавқулодда янгилик, журналист бўлиб журналистикада нодир кашфиёт яратмагандир. Бироқ, ўз ҳаёти, ўз умрини шу гўзал ниятга, шу гўзал интилишларга бахшида этди. Бунинг оддий эмас, нақадар катта гап эканини умрида битта шеър ёзиб тўртта одамга маъқуллата олган, газета чиқаришнинг қора меҳнатини бир кун ўз танасида синаб кўрган киши яхши билади, деб ўйлаймиз.

Бозор Мелик ёзган фазилатлари, дея атаган бўлар эдик.

Бозорбой ака уруш кўрган одам. Мана, унинг ўзи бу ҳақда нима дейди: «У пайтлар ёш эдик, ҳатто бир лаҳзалик танаффус пайтида ҳам танк ичида шеър ёзардим... Чамамда, у пайтларда сўзнинг кучи ҳам, таъсири ҳам бўлакча эди. Ҳозир сўзларда қувват, нур қолмагандек. Аксариятимиз сўзимизни бажармаймиз, қуруқ ваъда берамиз, сўз билан алдаб, сўз билан овунтирамиз. У пайтларда, айниқса жанг майдонларида ҳар бир сўз ўқ сингари жанговар, оташли бўларди».

Бозор Мелик бутун журналистик ижоди давомида сўз деган сеҳрли, «атомдан кучли» (Абдулла Қаҳҳор) қудратни жамиятдаги адолатсизликларга, ижтимоий иллатларга қарши қуролга айлантирди. Шеърларида эса сўзни гулни парваришлаган боғбондек парваришлади.

Ҳар бир жойнинг ҳурматга сазовор кишилари бўлади. Бозор Мелик ҳам Шўрчининг, бутун Сурхон юртининг ана шундай мўътабар, оқсоқол отахонларидан. Биз ушбу кичик мақоламизда у кишининг ижоди ва ўзи ҳақида маромига етказолмай ёхуд пардани бузиб айтган бўлсак, айбимиздан ўтадилар, дея умид қиламиз.

Салим АШУР.

ДУТОР НАВОСИ

Шарқ тароналари

Атоқли созанда Турғун АЛИМАТОВ ҳақида сўз

Сокин кеча, осудалик қўйнида оқиб келаётган танбур навоси қунгул торларига урилиб безовта хаёлларингни тўзғитади. Қадим-қадим замонлардан ошиб моҳир созанда қўлида янграётган бу навони чалаётган ким?

Кеча келгумдур дебон
ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқдиму
кечдим йўлига интизор,
Келди жон бўғзимга-ю,
ул қадди барху келмади.

У, осуда тунда радио тўлқинларида наво қилаётган, барчамиз учун севимли созанда Турғун Алиматовдир.

Қиш кечаси, бир гуруҳ улфатлар тўкин дастурхон атрофига йиғилишган. Уй соҳиби меҳмонлар даврасига қадди-басти баланд, қўполсифатроқ бир кишини бошлаб кирди. Чақирилмаган меҳмон ўтирганларга салом берди-ю, пойгакка чўкди. Бевақт, бемаврид бу ташриф улфатларга ёқмади. Ўртага жимлик чўкди.

«Автобус ҳайдовчиси, ёки «КамАЗ»нинг шофери бўлса керак», деб ўйлади ўтирганлар. Меҳмон тез-тез овқатланиб, бўлди-да, ўзи олдиндан совутиб қўйган бир пиёла чойни бир йўла ичиб юборди. Шу пайт уй эгаси кириб, «қани энди, дўстим, бир эшитайлик», деб қолди. Ўтирганлар ҳайратда. Наҳотки шу одам қўшиқчи ё созанда бўлса деб. Меҳмон тахмонга эҳтиётлаб қўйган қизил гилофли танбурини олиб, созлай бошлади. Дилларни эзувчи майин куй бутун хонага таралиб кетди.

Бу менинг бундан бир неча йил муқаддам «Гулистон»да босилган «Тунги меҳмон», деган ҳикоядаги воқеадир. Кўплар мендан ҳикоянинг қаҳрамони ким, мабодо Турғун Алиматов эмасми, деб сурашган. Яқинда севимли созанда Турғун ака билан иттифоқо учрашиб, мулоқотда бўлдим. Эшитмаган эканман, созанда Америка, Франция, Германияга бориб келибди. Офарин, дейман. Ватандошим билан фахрланаман.

— Илгари бизларга чет элга чиқиш қайда эди. Эҳ, сиз билмайсиз, не савдолар кечмади дейсиз бу бошимдан. Ҳаётнинг ўз қонунлари бор экан, ҳамиша бир тарзда кетмас экан. Севги, муҳаббат бўлсаю, унинг ҳижронлари бўлмаса, бахтинг чопсаю, ташвиш буронлари бўлмаса, ҳаётнинг ҳам қизиғи бўлмасди. Қўшиқ ҳам, куй ҳам шундай. Уша вақтда анча ёш эдим. Санъатга чанқоқ йигитлик даврларим. Магнит тасмасига қадимий куйларни ёздириб қўяй, деб кўп ҳаракат қилдим, аммо уринишларим зое кетди. Негадир йўл беришмади. Қатъий талабларимдан сўнг бир-икки бор ёздирдим ҳам. Аммо Бадиий кенгашда қабул қилишмади. Турли баҳоналар топиб икки марта ишдан бўшатиб юборишди. Устоз Юнус Ражабийга минг-минг раҳмат, жойлари жаннатда бўлсин, ҳақиқий санъат шайдоси эди ул инсон. Уйимга одам юборибми, қўярда-қўймай яна ишга олиб келдилар.

Бир куни қабулхонага кирсам, Расул Раҳмонов мени ушлаб, хонасига олиб кириб кетди. Ҳол-аҳвол суради. Мен ҳам тўлиб турган эканман, дардимни тўкиб солдим. Шу гапнинг устига раисимиз Убайдулла Иброҳимов кириб қолдилар. Омадим чопган экан, шу ерда ҳамма ишларим бир дақиқада ҳал бўлди - кўйди.

— Бадиий кенгашнинг йиғинига келинг, дутор, танбур, сатоларингиз билан. Барча масалани уша ерда ҳал этамиз,— дейишди.

Айтилган кунига асбобларимни кўтариб, шай бўлиб келдим. Аввал дуторда, кейин танбур ва сатода қўй чалиб бердим. Ушанда дуторда «Дутор навоси»ни, танбурда «Самарқанд ушшоғи»ни чалиб берганман. Хонага жим-житлик чўкди. Ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз демайди. Шунда раис:

— Ҳўш, қани Дони Зокиров, сиз нима дейсиз, — деб қолдилар.

Шунда Дони Зокиров: «Дутор навоси»ни жуда нозик ижро этдилар, танбурда эса бу кишининг олдига тушадиган созанда йўқ, Сатони Турғун Алиматовдан бошқа одам чала олмайди, — деди.

Эсиз-эсиз, шунча вақт қийналиб юрганларим, ишим олдига чопмаганлигидан эзилганларим ёдимга тушиб хўрлигим келиб кетди. Ўн олти йил бекорга ўтиб кетибди-я! Бир йиғитнинг умрига тенг давр. Аллоҳга шукур айлаб чиқиб кетдим. Шу йиғиндан кейин мен учун ойдин йўл очилди. Халқимизнинг энг севимли мусиқаларини, қадимий қўйларни ёздира бошладим. Улар энди халқимизнинг бебаҳо мулки бўлиб абадул-абад қолади.

Турғун Алиматовнинг устози, ўзининг эътирофича, унинг азиз падарибузруквори Алимат акадир. «Дутор навоси»ни Алимат самаворчидан ўтказиб чаладиган одам йўқ экан. Айтишларича, у Кўктерак чойхонасида самаворчилик қилган. Ҳамиша улфатлар даврасида, дўстлар орасида юрадиган хушбаит инсон бўлган. Ёдингизда бўлса, «Ўтган кунлар»да Отабек бўзахонада созандага: «Ҳайдалиш» куйини чалинг, деб илтимос қилганида, созанда: «бунақа куй борлигини эшитмаганман, бегим» деб ҳайратланади. Турғун аканинг айтишича, буюк адибимиз Абдулла Қодирий Кўктеракдаги чойхонага бориб турар экан. Ушанда Алимат ака адибга «Дутор навоси»ни чалиб берган бўлса ажаб эмас.

— Яқинда Парижда қонцерт бердингиз, концертни қайси куйдан бошладингиз?

— «Дутор навоси»дан. Америкада ҳам, Германияда ҳам шундай қилдим, — деди созанда.

Ёнимда турган дуторни олиб Турғун акага тутқазаман.

— Илтимос, «Дутор навоси»ни чалиб беринг!

Созанда дуторни олиб созлайди, нафис куй янграйди.

Созанданинг юзларига қарайман. Унинг қуринишидан ҳеч нарса билиб бўлмасди. Гўё ичида тугёнлар сақланаётган жимжитликни эслатарди. Бир масъул иш устида ўтириб, фақат ўзи қилаётган муқаддас юмушни бажараётгандай туюлди менга. Бошқа ҳеч нарсани ўйламайди, қаршисида тингловчи ўтирибди қўйга маҳлиё бўлгандай ...Созанда бўлса бепарво, сиз бормисиз, йўқмисиз, сезмайди, сезишни истамайди ҳам, сизни бутунлай унутган. Унинг палапон қўллари дутор пардаларида раққосадек нозиклик билан ўйнайди. Хаёлга кетаман, ахир бу навони кимлар эшитмаган, дейсиз. Миллий мусиқамиз дурдоналаридан энг нодири-ку. Турғун ака буни жуда яхши билади. Юрак-юрагига сингиб кетган дилрабо қалб қушиғи бу. Руҳан эзилган, топталган одамларнинг юрак дардларига малҳам бўлган, роҳат бахшида айлаган шу оҳанг, шу мусиқа эмасми?

Созанданинг қўлларига иштиёқ билан қараб тураман. Бир пардани босиб туриб сезилар-сезилмас иккинчи пардага ўтиб бир туртки бериб, орқа пардага қайтади. Дутор торларини эзиб, ўзича қочирим қилар. Нола берадиган жойда нола, гапирадиган жойда дуторни гапиртириб юборарди.

Айтишларича, Турғун аканинг отаси Алимат ота тушида тўлин ойни кўрган эмиш. Уша Ой боғчадаги дарахтнинг ичига тушган, Алимат ака бўлса Ойни қўйнига солиб олган экан. Бу тушнинг таъбирини оналаридан сўраганида яқинда ўғил кўрасан, фарзандинг оламга машҳур бўлиб кетади, деган.

— Сиз жуда, нозик табиат созандасиз, айтингизчи, кўпинча соз чалаётганингизда нима учундир юзингизда ҳеч ўзгариш сезилмайди, гўё ҳеч нарсани ҳис этмаётгандек туюлади бизга. Баъзи чолғучилар бўлса ижро вақтида юзлари ҳам, бутун вужудлари ҳам ўйнайди, нега? — сўрайман.

— Мен соз чалаётганимда уша замон билан, ижро этаётган қуйнинг мазмуни билан яшайман. Мана, «Тановар»ни олинг. Бу куй халқимизнинг энг севимли қўшиғи, қўлаверса, миллий ифтихоримиз. Асосан бу куй водийда туғилган. «Тановар»нинг неча хил шакллари бор, билсангиз. Атоқли қўшиқчимиз Меҳри Абдуллаевага етказиб ҳозирга қадар ҳеч ким айтаолмаган «Тановар»ни. Бундан мен бошқалар ёмон айтади демоқчи эмасман. «Тановар»ни қуйлаганимда гўзаллик оламига кириб кетгандай бўламан. Қаранг, Наманганнинг, Фарғонанинг кўркам гулшанлари, сўлим боғ-роғлари. Эгнида атлас, бошига қизил дуррача ўраган гулгун чеҳрали қиз анвойи гуллардан даста ясаб, товусдек хиром айлаб юрибди. «Тановар»ни чалсам, шу манзара кўз олдимда намоён бўлади. Қизнинг ҳижрон дардлари билан ёнаётганини кўраман, балки кимнидир севиб қолгандир, кўнгил қўйган ёри бевафолик қилгандир.

Санъаткорлик эл масъулиятини олишдир. Қўлингга дутор, танбур, ё ғижжак олдингми, уддаласанг чал, бўлмаса бошқа касб танла. Умринг бекорга ўтиб кетмасин. Фақат қунт, сабр, чидам керак мусиқачи учун. Билсангиз, мусиқа миллат танламайди. Баъзи санъаткорлар бирор чет мамлакатга бормоқчи бўлсалар, уша юртнинг қушиғи ё мусиқасини ўрганиб, қойил қилмоқчи бўладилар. Ажнабий элга бориб ўзимизнинг миллий мусиқаларимизни ўрнига қўйиб, ижро этиш ҳақида ўйламайдилар. Мен ўғилларим Алишер, Ғанишер, Валишерга ҳам уқтираманки, дутор, танбурни яхши ўрганиб олинглар, агар қунтингиз етмаса, йиғиштириб қўяқолинглар, дейман. Америка, Франция, Германияда мен концерт берган зал одамлар билан лиқ тўла эди. Ахир бу буюк мамлакатларнинг томошабинлари Битлз, Майкл Жексон, бошқа эстрада намояндаларининг ашуларини оёққа туриб эшитишади. Америкадаги концертда улар мутлақо нотаниш бўлган соф ўзбек миллий мусиқасини жимгина ўтириб, ҳатто нафас олмай эшитишгани, наво тугагач эса, бизни гулдурос қарсакларга кўмиб юборишганининг сири нимада деб ўйлайсиз. Нега ўзбек миллий мусиқасига, қадимий мусиқа асбоблари танбур, дутор, сатога шунчалик ҳурмат-иқром билан муносабатда бўлдилар. Концертдан сўнг мусиқа ишқибозлари бизларни ўраб олиб, саволларга кўмиб ташлашди. Ҳатто бир америкалик: «Сато»ингизни менга сотинг, қанча десангиз бераман» деб туриб олди. Мен: — «Бу бебаҳо мулк, уни сотиб бўлмайди», дедим. Гап шундаки, яна қайтараман, мусиқа миллат танламайди. Бизнинг қадимий мусиқаларимиз минг-минг йиллардан бери қулоқдан қулоққа, дилдан-дилга ўтиб, шу даврларга қадар етиб келди. Бу хазилакам гап эмас. Мусиқа, қўшиқларимизнинг халқчиллиги, ҳаётийлиги ҳам шунда эмасми? Инглиз, француз, немислар ҳам уни эътибор билан тинглади, олқишлади, тан берди.

— Парижда ҳам шундай кутиб олдиларми?

— Бўлмаса-чи? Менинг танбур ушлаб турган катта расмларим кўчаларга осиб қўйилибди. Ўзбекистон шаънига яхши гаплар ҳам кўп эди. Минг кишилик зал тўла. Ўзбекистоннинг Франциядаги уша вақтдаги элчиси, ҳурматли Акмал Саидов ҳам концертда ҳозир бўлдилар. Ўзбек миллий мусиқасининг ёқимлилиги, дилнаволигига шу ерда яна бир марта ишонч ҳосил этдим. Агар ўзбек миллий мусиқасини маромига етказиб ижро этсангиз, тингловчи қандай миллатга мансуб бўлмасин, жон-дилдан эшитади, роҳатланади. Париж матбуоти саҳифаларида ўзбек миллий мусиқаси ва атоқли созанда ҳақида кўп ибратли фикрлар билдирилди.

Машҳур мусиқашунос аллома Теодор Левин «Жаҳон мусиқаси» журналида ёзган шарҳида: «Турғун Алиматов ШАРҚ мусиқасининг шоҳи» деб атади. «Нобель Обсерватор» газетаси «Ўзбек классик мусиқасининг сардори», «Фигаро» газетаси «Ўзбек анъанавий мусиқасининг ёрқин намоёндаси», Либерасион» газетаси эса «Сато ва танбур устаси» деб ўзбек ўғлонини кўкларга кўтарди. «Ўзбек созандасига юракдан таҳсинлар айтгинг келади, нозик дид, юксак маҳорат билан ижро этилган дилрабо куй сизни гўё сеҳрли эртаклар дунёсига олиб кириб кетгандай бўлади. Эзгу туйғулар алангасида ёнасиз, ҳам қувонасиз», деб ёзади шарҳловчилардан яна бири.

Германияда бўлса жаҳоннинг энг билагон мусиқашунос алломаларининг йиғинида мен ўзбек мусиқаси намуналарини бирин-кетин намойиш этдим. Уша ерда ҳам «Дутор навоси»ни чалганимда ҳассос мусиқа билагонлари чин дилдан бизни олқишлашди. Саволларнинг чеки йўқ эди. Бу ўзбек миллатига, азиз Ўзбекистонимиз ва унинг бой мусиқа меросига бўлган ҳурмат-иқром эмасми?

Турғун Алиматов ўз йўлига, ўзига хос ижро санъатига эга бўлган созанда. Мусиқачи бўлганда ҳам дардли, тенги йўқ, бетакрор санъаткор. Ҳа, фақат битта, яккаю-ягона, бошқа нусхаси йўқ, десак хато бўлмас.

Бир куни кўпчилик дўст-ёронлар билан ойнаи жаҳон олдида ўтирган эдик. Шунда Турғун Алиматов танбурда юракни эзадиган қилиб бир куйни чалиб қолди. Шунда аёллардан бири: «Шу одам танбур чертганда негадир юрагим ўйнаб кетади», деб қолди. Бу гапда жон бор. Созанданинг инсон қалбига йўл топишига қодир бўлган сеҳри борки, буни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Суҳбат сўнггида Турғун акадан сўрайман:

— Истиқлол Сизга нима берди?

— Истиқлолдан ўргилай, истиқлол бизга ҳақиқий эркин фикрлаш, миллий ифтихор туйғуларини бахш этди. Уша собиқ Иттифоқ даврида элим деб, халқим деб умр буйи хизмат қилдим. Аммо халқимизнинг меҳридан ташқари унчалик ҳурмат-эътибор топмадим. Мустақилликнинг биринчи йилида менга Ўзбекистон халқ артисти деган юксак унвон берилди. Консерваторияга профессор этиб олишди. Меҳнатим қадр топди. Мана, кўриб турибсиз, ҳурриятли замонда чинакам иззат-икромдаман. Мен учун энди истиқболнинг барча йўллари очиқ. Афсус, минг афсусларки, энди ёшим бир жойга бориб қолди. Аммо мусиқа ўлмайди. Қўлимда гўлдек ҳунарим бор. Ҳаёт давом этади. Ҳали озод, қуркам элимга чалиб берадиган куйларим кўп.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ОЛАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўзбекистон Миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари – сизнинг маблағларингиз сақланиши ва кўпайишининг кафолати.

Карточка эгалари учун "йўқлаб олинадиган" жамғармалар очилади ва йиллик фоизнинг 50 фоизи тўланади.

Маълумот учун телефонлар:
Тошкентда: (3712) 44-82-20, 44-82-14, 54-59-01, 54-38-18, 162-37-75, 162-01-92, 133-68-07, 132-03-88.
Навоийда: 43-622, 34-965.
Нукусда: 36-122, 74-882, 79-591.
Бухорода: 36-522, 37-098, 37-108.

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ» предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг». Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги масъулияти чекланган «ЭКОСАНОАТ» жамиятининг фаолияти ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА